E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

“Темурийлар Уйғониш даври маликалари” туркумидан

Тўлқин Ҳайит

Темурийлар тарихи давлат музейининг катта илмий ходими,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адиб

Аннотация: Бу мақола Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Қазағоннинг ўғли Абдуллонинг қизи, Амир Темурнинг суюкли умр йўлдоши хақида. Унинг номи мард ва жасур аёл сифатида тарих зарварақларида мухрланган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, Амир Темур, Амир Қазағон, эр йигит, доно аёл, Лой жанги, олтин узук ва билаг узук, зах ертўла, далда, вафодорлик, Тўкал баҳодир, жанг, амир Ҳусайн, очкўзлик, Султонбахт бегим, мақбара.

ЎЛЖАЙ ТУРКОН ОҚА, Ўлжай оғо (1339-1366) — Мовароуннаҳр ҳукмдори амир Қазағоннинг ўғли Абдуллонинг қизи, Амир Темурнинг суюкли умр йўлдошидири. Унинг номи мард ва жасур аёл сифатида тарих зарварақларида мухрланган. 1989 йилда бу мухтарама маликага бўлган беҳад катта эҳтиромим, яъни унинг садоқати, вафодорлигидан руҳланганим боис, дастлаб "Турон тунлари” романимнинг биринчи қисмини (1995 йилда “Ўзбекистон” нашриёти чоп этган), сўнгра “Вафо маликаси” номи остида икки марта (2006, 2019 й.й.) да қайта нашр эттирган эдим. Кейинчалик хайрли ишлар талабгорлари бўлмиш таржимонлар бу асарни инглиз тилига ўгириб, Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар”, Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси”. Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” (“Бобур”) машҳур романлари қатори нашр этганларидан ҳам ҳайрон қолган, ҳам суюнганим рост. 2016 йилда худди шу нашр Франция пойтахти париж шаҳридаги Ўзбекистон элчихонасида тақдимот қилинган ва унда мен болаларимнинг онаси Мауззамхон билан иштирок этган эдим. Бу асар шу кунларда яна қайта нашр бўлмоқдаки, демак, халқ яхши инсонларни ҳеч қачон унутмайди. Айниқса, элу юрт манфаати учун ўз хожасини ёнида туриб, вафодорлик билан хизмат қилган аёллар номи қалбларда абадий яшайди, чунончи Ўлжай Туркон оқанинг оғир курашларда ўтган зар умри сўзимизнинг дангал исботидир.

Бу мухтарама аёл ҳақида узоқ йиллар тадқиқот олиб бордим ва шу ишимни сизларга бугун баҳам кўраётганимдан мамнунлигимни яширмайман.

1350-50 йиллар орлиғида Амир Қазағон чақирадиган қурултойларда отасининг ўрнидан иштирок эта бошлаган Темурбек сарой ўн етти ёшли соҳибжамол малика Ўлжай Турон оқани никоҳига олиши мумкин бўлган номзодлардан бири сифатида кўрган эди. Чунончи Ўлжай Туркон оқа саройда яхши тарбия олиб, дунё подшоҳликлар тарихини, ҳарбий жанг сирларини мукаммал эгаллаган, шунингдек, адабиёт ва бошқа фанларга жуда қизиққан, сўзлари ўткир, мулоҳазали; фикри теран, мард ва оқила соҳибжамол сифатида шаклланган. Маълумки, ўзининг келажагини белгилаб олган бек йигитлар, подшоҳзодалар ортларида доно аёл бўлсагина мақсадга тез эришишлари мумкинлигини яхши тушунишган. Бундан кўринадики, Темурбек ҳам гарчи бунгача амир Жоку барлоснинг қизи Нурмиш оқага ўйланган ва ундан Муҳаммад Жаҳонгир тўнғич фарзанди бўлса-да, Ўлжай Туркон оқа сиймосида подшоҳона келажагини идрок эта олган. Яна бир мулоҳаза шуки, муаррихлар ёзганидек, бу никоҳ оддийгина йўсинда ҳал бўлган эмас: икки ўртада совчиларнинг борди-келдисини тилга олмасдан илож йўқ.Тўғри, қиз бола — бировнинг хасми, аммо оддий ота-она ҳам ўз қизини хонадонидан осонгина ўчириб юбормайди, ваҳоланки, Амир Қағазондек мамлакат подшоҳи бу борада етти ўлчаб бир кесгани аниқ. Бу тўғрида Темурбекнинг ўзи ёзганидек, Амир Қазағон уни бир неча бор синаб кўрган, ҳузурига чақириб, фикрини билган, саволлар бериб, қандай йигит

эканлигини билгач, “жавобим анга хуш келиб, мени ўзига фарзанд этиб”, сўнг бу никоҳга рози бўлган. Сўнгги тадқиқотлар эса, бу никоҳнинг 1356 йилда амалга ошганини кўрсатади. Ўн йил давом этган бу оилавий ҳаёт тарихимиздаги ёрқин сафиҳалардан бири бўлиб қолгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Воеқалар ривожи кўрсатадики, 1357 йилнинг охири, 1358 йилнинг бошларида Амир Қазағон фитнанинг қурбони бўлган ва ана шунда Темурбекнинг мардлиги кўзга ташланган, яъни ўз завжаси Ўлжай Турконга далда бериб: “Сиз, маликам, сира қайғуга ботманг, мен бор эканман, кипригингизга гард ҳам қўнмайди”, дея кўнглини кўтарган. Темурбекнинг бу сўзидан Ўлжайнинг унга бўлган меҳрини янада ошган ва икки ўртада янада кучли меҳр пайдо бўлган ва уларнинг кейинги ҳаётларида бир-бирларига бўлган садоқатлари, меҳрлари Фарҳод ва Ширин достонларидан кам эмас, дейишга асосимиз бор. Албатта, Амир Қазағон шаҳид этилгандан сўнг, ўтган ўн йил давомида ҳар иккиси учун ҳам оғир, машаққатли синовли йиллар бўлди, аммо ҳар қанча қийинчилик, ҳар қанча азоб-уқубат бўлмасин, бир-бирларига бўлган садоқатларини унутмадилар.

1361 йилдаги воқеаларда ҳам бевосита Ўлжайнинг хизматлари бор. Маълумки, Мўғулистон хони Туғлуқ Темур Мовароуннаҳрни қўлдан чиқармасликни, бу ўлкада ўзининг ҳақи борлигини билдириб қўйиш ва юрт жиловини қўлга олиш учун ўша йилнинг март ойида катта қўшин билан бостириб келганда, кероийт қабиласидан Тўқ Темур ҳамда амир Беккичикларнинг Кеш вилоятига босқин илинжида юборилганини эшитган заҳоти Хуросонга қочишни лозим кўрган. Лекин мураккаб паллаларда қарор қабул қилишда сарой донишмандларига хос хусусиятга эга Ўлжай Туркон оқа Темурбекни: “Эр йигит юрт бошига иш тушганда, ўзга юртларга қочиб кетиши уят”, дея уни душманни даф этишга чорлаган. Эртаси куни Темурбек амакиси Ҳожи Барлос б-н учрашганда: “Сиз Хуросон томонга боришга азм қилибсиз! Агар маслаҳат кўрсангиз, мен ўз вилоятимда қолиб, подшоҳ хизматига юзланай, унинг амирлари ва вазирларини кўрай, токи вилоят хароб бўлмасин!” дея Кешда қолиб, элу юртни ҳимоя қилиш нияти борлигини очиқ изҳор этган. Аллоҳ ҳам мард кишини ёқтиради, деган гап бор. Буни қарангки, Ҳожи Барлос қочиб ҳам қазо ўқидан қутилолмаган, Хуросон томонларда ўлим топган ва тарих номаларида юртини ташлаб қочган кимса сифатида номи қора бўёқларда акс этган, Темурбек эса Худонинг бандаларини икки очкўз амирнинг босқинидан сақлаб қолгани боис, иши кундан-кунга ривож топгани тарихдан яхши маълум. Албатта, очкўз амирларни ўз сўзига кўндиришда ҳам Ўлжай: “Сиз уларнинг оч кўзларини олтин васвасаси билан ўлдиринг, шунда иқбол сиз томонда бўлади”, дея Темурбекка маслаҳат берган. Ёнидагги беклар саросимага тушиб, ортга қочмоқчи бўлиб туришганда, Темурбек: “Тўхтаб турингланр! Мен бориб амирлар билан учрашай, нима хоҳлашса, шунга мувофиқ иш тутайлик!” дея уларни тинчлантирган. Сўнгра чингизий босқинчиларни худди подшоҳлардек кутиб олиб, мол-мулк, олтин-кумушлар инъом этиб, оч кўзларини тўйдирган. Ва тайёр ошиғич ўлжага эга бўлган Тўқ Темур билан амир Беккичик унга ён берганлар. “Еган оғиз уялади” деган гап бор. Ҳақиқатан, душман ортга қайтиб кетган. Биргина Темурбекнинг мардлиги, Ўлжайнинг доно маслаҳат билан бутун бошли Кеш вилояти шаҳар-қишлоқлари, аҳолиси — чақалоқлар, норасида гўдаклар, ота-оналар, оддий одамлар омон қолдилар.Шу боис, уларнинг бу мардона ишини, ватанпарварлиигини биргаликда кўрсатиш зарурдир.

1362 йил Темурбек учун жуда ташвишли келди. Мўғулистон хони Туғлуқ Темур томонидан уни ўлдириш ҳақида фармон ҳозирланди, Аллоҳнинг марҳамати билан бу фармон Темурбекнинг қўлига келиб тушади ва у пири муршид Зайниддин Тойободийнинг маслаҳати билан Хива томонга кетиб, вақтинчалик ўша ерларда жон сақлашга мажбур бўлади. Узоқ Хоразмга жўнаш олдидан Темурбек ўз жуфти ҳалоли Ўлжайни бирор ишонарли жойда яшириб қолдириш режасини тузади. Чунки йўл узоқ,

неча чўлу биёбонлардан ўтиш керак, жон ҳам хавф остида: йўлда ҳар кори ҳол рўй бериши ҳам мумкин. Мақсадини айтганда, аслзода малика: “Эр қайда бўлса, ёрининг ҳам ўша ерда бўлмоғи шартдир”, дейди ва бу сўзи билан бобоси Амир Қазағон шаҳид этилган кунларда Темурбек уни қандай қўллаган бўлса, бу сафар у ҳам жони хавфда бўлган эрининг ёнида бўлиш ўзининг инсоний бурчи эканини намойиш этган. Бу аслида ўша замон маликаларининг маънавияти, садоқати ва ўзга хос ватанпарлигидан ёрқин далолат, албатта!

Хоразмда ҳам улар тинчлик топишмади. Туғлуқ Темур уларнинг Хоразм сари бошпана излаб йўл олишганидан хабар топган заҳоти, Хива амири Тўкал баҳодирга нома йўллаб, Темурбекни йўқ қилишга чақирди. Темурбек ортидан бор-йўғи 60 нафар навкар эргашиб келаётган эди, амир Тўкал эса минг навкари билан уларга қарши жангга кирган. Жанг кун бўйи давом этиб, икки ўртада жуда қаттиқ саваш бўлган. Тенгсиз жангда Ўлжай Туркон оқа билан янгаси — амир Ҳусайнинг хотини Дилшод оқа ҳам иштирок этишган. Жанг охирида эса Темурбек атиги етти киши билан, амир Тўкал эса 50 навкари билан қолган. Ғаним ҳали кўпчилик эди, шу боис, Темурбек саҳро томон чекинган. Темурбек бу ерда ҳам мардоналиги намойиш этиб, Амир Ҳусайн ва Ўлжай Туркон оқа, Дилшод оқа ҳамда қолган уч навкарининг чекиниб олгунларича ҳимоя қилиб турган. Ўша учта навкар кечаси хиёнат йўлига кириб, отларни олиб қочиб кетадилар. Темурбек ҳамма нарсасидан айрилиб, юпун ҳолда қолади: энди унда на бойлик, на давлат ва ҳатто битта оти ҳам йўқ эди. Аммо Ўлжай Туркон оқа уни ташлаб кетишни хаёлига ҳам келтирмади. Одатда, бевафо аёллар эрлари ҳеч нарсага ярамай қолишса, дарҳол ташлаб кетишади. Ўлжай эса: “Жонимиз омон қолди, бегим, ҳали яхши кунлар олдинда!” дея унинг яра кўнглига малҳам бўлган.

Хоразмда қолиш хавфли бўлгани учун Темурбек жуфти ҳалоли билан чўл оралаб, Фай дарёси бўйига келган. Мақсад шу томонларда бир оз нафас ростлаш эди, аммо улар яна хавфга дуч келдилар. Бир гуруҳ туркманлар уларнинг йўлини тўсиб чиқишди. Темурбек Ўлжайни яқин орадаги қудуқ ичида яшириб, ўзи қилич яланғочлаб, туркманларга қарши боради. Ҳожи муҳаммад исмли киши уни таниб қолиб, жонига оро кирмаганда, ким билади, нима бўларди. Аммо бу қутилиш ҳам оний бўлди. Туркманлар уни ўша тунда яна банди этдилар. Қудуқда ёлҳиз қолган Ўлжайни ўйлаган Темурбекнинг икки оёғи бир этикка қисилди. Унинг ёнига тезроқ бориши керак, атрофда изғиб юрган баттол ва қонхўр ёғийлар жуда кўп, эркак зоти жуфту ҳалолини хавф остида қолдириши жуда уят. Обрўли бек номига эга Темурбек учун эса бу ҳолат икки карра уят. Нокас кимсаларга дуч келганини англаган Темурбек ёнидаги сўнгги бир дона лаъл ва иккита тўмғани уларга бериб, қўлларидан халос бўлди. Ҳожи Муҳаммад унга учта от совға қилиб, Соли Қулончи исмли кишисини қачарчи тайинлаб, амир Ҳусайнга етказишни айтиб, уларни йўлга кузатган.

Темурбек озод бўлган заҳоти гўзал маликаси Ўлжай яшириниб турган қудуқ сари шамолдек учди. Орадан шунча кун ўтса-да, мард ва жасур малика уни интиқ кутиб турган эди. “Мени кечирсинлар, маликам, Сизни ҳам қийнаб қўйдим!” дея узр сўради Темурбек мулзам тортиб. Ўлжай эса: “Аслида мен узр сўрашим керак, бу ерда хавфсиз ўтирдим, шунча қийин аҳволда қолгангизда, ёнингизда бўлишим керак эди!” дея у ҳам узрини сўраган ўз навбатида.

Иккиси бахтиёр ҳолда йўлга тушиб, Мохонга келганда, Алибек Жониқурбоний туркман 60 нафар аскари билан пистирмадан тўсатдан ташланиб, уларни асир олган ва бурга тўла бир ертўлада қамаб қўйган. Шу билан эру хотин 62 кун давомида тутқун ҳолда яшади. Хона зах ва қоронғи, ҳавоси ҳам бдубўй эди. Ўлжайнинг ранги заъфарон тортиб, йўтала бошлайди. “Ҳечқиси йўқ, бегим, бу очофатларнинг қўлидан қутилиб кетамиз.

Худонинг ўзи бизга мадакор, Унинг олдида ҳеч бир гуноҳимиз йўқ!" дея далда беради у. Кунлар жуда секин имиллаб ўтар, Темурбек гоҳо бепарволикка берилиб, йўл қўйган хатоси учун ўзини кечиролмасди. Бир куни чўмоли деворга тирмашиб, юқори чиқиш учун бир неча бор уринди ва охири тепага чиқиб кетди. Бу воқеани Ўлжай ҳам кузатиб турган эди. Чумоли чиқиб кетгач, унинг кўзлари ялт этиб ёнди. "Шу чумоличалик қувватингиз йўқми?" дегандек иддао бор эди бу қарашида. Темурбек ўз хотини олдида мулзам тортган. "Маликам, менга ёрдам бероласизми, бу ерда итдек хор бўлиб ётиш мен учун уят!" дейди охири. Ўлжай унинг мақсадини қарашидан илғаган ва ўрнидан туриб, қўлини тутган. Темурбек унинг илдам ҳаракати б-н юқори кўтарилиб, қоровуллардан бирининг қиличини тортиб олиб, Алибек ётган уйга бостириб кирган.

Бундан бир неча фурсат олдин акаси Муҳаммад Алибек бу воқеадан хабар топгач, укасига насиҳат қилиб, Темурбекни озод этишни сўраб, туҳфалар жўнатган эди. Лекин Алибек мурувватсизлик қилиб, туҳфаларни яширган ҳолда уни тутқинликда сақлаб туришни маъқул топган. Кутилмаган воқедан гангиб қолган Алибек ёлворишга тушади. Бу орада Ўлжайни ҳам ертўладан олиб чиқишади. "Уни ўлдирманг, бегим, подшоҳона қўлингиз бу мутаҳҳамнинг ҳаром қонига бўялмасин!" дейди у.Темурбекнинг эски танишларидан амир Муборакшоҳ Санжарий ҳам шу ерда эди. У ҳам орага кириб, фожианинг олдини тўсишга шошилади ва Темурбекка учқур отлар тортиқ қилиб, унинг кўнглини юмшатишга эришади.

Амударё сари от соладилар. Аммо бу ерда ҳам тўсатдан чингизийлар уларга ҳужум қилишади. Ортга қайтишнинг иложи йўқ эди, олдинда эса ҳайқириб оқаётган Амударёнинг оч тўлқинлари ҳайбат солиб турарди. Аммо довюрак Ўлжай: "Она Амударё бизни асрайди!"— дея Темурбек ортидан ўзини сувга ташлаган ва оти билан жаҳаннам дарёдан эсон-омон ўтиб олган. "Мард йигитнинг ортида мардона аёл турса, ўлим ҳам писанд эмас!" дейди Темурбек унга тан бериб. "Ўхшатмаса, учратмас!" дейди Ўлжай ҳам ним табассум билан. Бу аёлнинг мардлигига тан бермасдан илож йўқ эди.

Жонлари хавф остида бўлгани боис, Самарқандга, Темурбекнинг опаси Қутлуғ Туркон оқанинг уйига келиб, 48 кун яширин турадилар. Ёмон кимсалар кўп дунёда. Уларнинг овозаси кўчага чиққач, Кешга кетадилар. Аммо у ерда ҳам паноҳ тополмадилар ва унажот излаб, Сейистонга қараб йўл олдилар. Бу пайтда Сейистон амири душманлари билан курашиб, ожизлик қилаётган эди. Темурбекка агар ёрдам берса, бошпана ва мол-мулк беришни ваъда қилади. Сагзийлар, яъни сейистон олчоқлари сони кўп эди. Икки ўртада қаттиқ жанг бўлган. Темурбек мардона урушиб, уларни қочирган ва ғалабага эришган. Қўлига ўқ тегиб, жароҳат ҳам олган. Сейистон амири ҳам ваъдасига турмади, аниқроғи, Темурбек бу ерда қолса, ҳокимликка даъвогар бўлиши мумкин, дея унинг кўнглига ғулғула солдилар.

Темурбекни Гармсирга олиб бориб, амир Тумон олдида бир неча нафар аскар билан қолдирдилар. Ўлжай уни яхши парвариш қилди ва тезда соғайишига эришди. Тарихимиздаги буюк сиймо, қомусий олим, аллома Абу Али ибн Сино ёзадики, беморнинг соғайиши кўпинча унинг руҳоният оламига боғлиқ. Чиндан ҳам, Ўлжайдек вафодор аёлининг меҳр-муҳаббати туфайли у тезда соғайиб, сафга қайтган. Лекин Ўлжай кундан-кунга сўлиб бориб, кучдан қолаёзган эди. Ҳомиладор бўлгани учун уни шу ерда, Гармсирда, ишончли жлйда қолдиришга кўндиришган. "Мен Сизни ҳар куни ўйлаб, оҳ тортаман, бегим, ўзингизни асранг!" дея ўртаниб қолган эди ўшанда Ўлжай.

Илёсхўжани енгиб, Самарқандни буйсундиришгач, 1359 йил 23 ноябрь — 1360 йил 11 ноябрь Оқар мавзесида Қобулшоҳни подшоҳлитк тахтига ўтқазиб, ҳокимият бошқарувини қўлга олдилар (44.45 б.).

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Ўша давр воқеаларидан келиб чиқиб, айтиш керакки, Амир Қазағон, амир Абдуллоҳдан сўнг амир Ҳусайн ўзини Мовароуннаҳрнинг ягона меросхўри сифатида кўра бошлади. Темурбекни эса Кешнинг оддий бекларидан бирининг ўғли бўлгани учун уни тахтга даъвогарлик қилишга ҳаққи йўқ, деб ҳисоблади, лекин ўзига муносиб рақиб билиб, зимдан унга тиш қайрай бошлагани ҳам аниқ эди. Бу ҳолат, айниқса, Лой жангида ҳам кўринади. Темурбек уни ҳар қанча жангга чорламасин, ёрдамга ошиқиш ўрнига, жами аскарини олиб, жанг майдонини ташлаб кетгани унинг нияти ғаразгўй экани аниқ бўлади. “Акамдан доимо хавотирдаман, — дер эди Ўлжай кейинги воқеаларни кузата туриб. Сўнгра Темурбекка: — Лекин Сиз хавотир олманг, бегим, мен уни сизга қарши бўлишига йўл қўймайман!” — деган уни тинчлантириш учун.

Чакчакдаги воқеа эса Ўлжайни тамом ҳолдан тойдирди. “Ўзингиза эҳтиёт бўлинг, акамдан ҳар балони кутса бўлади!” — дея яна огоҳлантирган эди ўшанда ҳам.Яна бошқа томони, акаси амир Ҳусайннинг Самарқандга келиб, сарбадорларни дорга осиши-ю, мол-мулк тўплашга берилиб кетиши, ҳатто амир Жоку, амир Сайфиддин, Оқбуға баҳодир, Элчи баҳодир, давлатшоҳ баҳодир сингари Амир Темурнинг мулозимларидан ҳам мол талаб қилиши Ўлжай учун дард устига тепки бўлди.Амир Темурнинг эса бекларнинг муаммоларини ҳал этиш учун кўп олтину кумуш сарфлашга мажбур бўлганидан яна қисилди. Бир оз маблағ етишмаётганини сезгач, бир вилоятнинг бир йиллик хирожига тенг зираги ва билаг узугини Темурбекка қўшқўллаб топширди: “Мол топилади, акам олдида мулзам бўлиб қолманг, у ҳаддидан ошяпти!” —дейди яна. Ўз аёли молига кўз олайтириш Темурбекдек ҳамиятли йигит учун бир оз уятли иш эди, албатта. Ҳатто амир Ҳусайн синглисининг тақинчоқларини таниб қолса, қайтариб берар, деган ўйга ҳам борган эди. Лекин амир Ҳусайн синглисининг буюмларини таниса ҳам, очкўзлик қилиб, ўзини билмаганга солди. Ҳозир унга сингил эмас, бойлик зарур эди. Ўлжай ҳам акасидан тақинчоқларини қайтаришни кутган экан, қайтарилмагач: “Акам ўзига ортиқча ташвиш сотиб оляпти!” дея афсусланади дардини ичига ютади. Боз устига Темурбекдан яна уч минг динор сўраганини эшитиб, тепа сочи тикка бўлади. Темурбек маблағ эвазига отларни берса, Ҳусайнбек рад этиб, яна ақча талаб қилади. “Мен Ҳусайн сўфига қизининг қалин моли сифатида юбораман, менга нақ ақча керак!” — дейди ҳатто. Темурбек сўраган маблағни топади ва амир Ҳусайн ортидан жўнатиб юборади. Аммо бунинг эвазига кўкрагидан итарилиб, саройдан узоқлаштирилади. Фақақт яна Ўлжай ва бошқа дўстларнинг узоқ уринишлардан сўнггина амир Ҳусайн Темурбекка Кеш вилояти амирлиги ва ҳукмдорлигини унга топширади. Бу бир томондан, дўстликка, қудачиликка хиёнат бўлса, иккинчи томондан Темурбекни ўзидан узоқлаштириш, дегани эди. Бу ҳам етмагандай, амир Мусо, Ўрду хотин, Али Дарвеш ва Фарҳод деган кимсаларни ишга солиб, унинг устидан юмалоқ хат уюштиради. Хатда: Амир Темур шу кунларда амир Ҳусайнга қарши душманлик йўлига кириб, бу ишни тартибга солиш б-н банд. Бизлар буни хайрихоҳлик юзасидан маълум қилдик”, дея битилган эди.

Бу машмашани эшитган Ўлжайнинг энсаси қотади. Икки ўртада бўзчининг мокисидек қатнаб, тинкаси ҳам қурийди. “Акамнинг нияти бузуққа ўхшайди, Сизнинг олдингизда жуда хижолатдаман! Бегуноҳ Сарбадорларни дорга осдириб, халқни ўзига душман қилди. Яхшиямки. Мавлонзодани қутқариб қолдингиз!”— дейди Темурбекнинг юзига қаролмай. Айнан ўша кунларда унинг кўзи ёриди. Қиз фарзанд туғилди. Унга Султонбахтбегим деган шарафли ном бердилар. Ота-онасига бахт келтирсин, пойи-қадами ёқсин, дея хайру эҳсонни кўпайтирдилар.“—Қиз бола ҳукмдор отанинг бахт юлдузидир, деган эдилар шавкатли бобом! — дейди Ўлжай хурсанд бўлиб ва чақалоқни бағрига босган Темурбекка қараб: — Илоҳим, давлат қуши бошингизга қўниб, элнинг азизи бўлинг!” — дея ният қилади.

Туҳмат балосини бартараф этиш учун Темурбек шитоб б-н Самарқандга қараб юради. Амир Мусо ҳамда Дарвеш Али буни эшитиб, Хўжандга қараб қочадилар. Нуфузли амирлар Шербаҳром ҳамда Баҳром жалойирлар унга келиб қўшилишади. Амир Ҳумайндан омад юз ўгириб, ишлари тескари кета бошлайди. Бу орда ясовурийлар ҳам амир Ҳусайнга қарши бўлиб қоладилар. Али, Илёс, Ҳожи Маҳмудшоҳлар ҳам итоат б-н Амир Темурга келиб қўшиладилар. Шундай қилиб, қадим Самарқанд Темурбек қўлига ўтади. Аммо катта бахт ортидан мусибат ҳам етади — Ўлжай бу дунёдан бевақт кўз юмади. Низомиддин Шомий ёзадики, "Амир Соҳибқирон ундан айрилиб қолганига кўп қайғурди. Унинг вафотига йиғлаб, ҳасрат чекди".

Тадқиқотлар натижасига кўра, Ўлжай Туркон оқанинг вафоти Темурбекнинг Смақарқандни қўлга киритган пайтига тўғри келади. Шоҳи Зиндадаги қўшгумбазли мақбара ҳақида Пўлат Зоҳидов: "ХУ асрнинг 30—йилларида эмас, балки 1404 йилда қуриб битказилган эди", дея ўзидан олдинги тадқиқотларга аниқлик киритган. Чунончи унинг илмий қарашларига кўра, Шоҳи Зинда мажмуаси таркибидаги қўшгумбазли бино Ўлжайойим мақбараси, деб аталиб, Туман оқа мақбараси ва масжиди б-н бир вақтда бунёд этилган ва бунга асос этиб, бу биноларнинг қурилиш ғиштларининг бир хиллиги (25Х25х6 см), пардозлаш жиҳозлари ва нақшлар мавзусининг ўхшашлиги, баланд гардишлар устидаги мовий гумбазлар ва бошқа унсурлар бу ёдгорликларнинг вақт ва услуб жиҳатдан яқинлигини яққол кўрсатиб турибди (П.Зоҳидов. Темур даврининг меъморий каҳкашони. Т.,— "Шарқ", 1996, 33-35-б). Иккинчи муаммоли томони, шу даргача бу бино Қозизод Румийнинг мақбараси, деб нотўғри маълумот бериб келинган. Кейинги тадқиқотларда маълум бўлдики, хусусан, турк адмирали Сайди Али 1555 йилда Самарқандда бўлиб, Қозизод Румий мақбарасини зиёрат қилган ва унинг қайд этишича, Шоҳи Зинда зиёратидан сўнг, Хожа Аҳрор, Хожа Абди Берун, сўнгра Чўпон ота ва ниҳоят Қозизода Румий мозоратига келган. Демак, Қозизода вафот этгач, Мирзо Улуғбек расадхонаси яқинида дафн этилган, дейишга асос бор. Акс ҳолда турк сайёҳи Қозизода Румийнинг қабри Шоҳи Зиндада эканлигини албатта қайд этиб ўтган бўларди. Яна, навбатдаги илмий изланишлардан маълум бўлдики, Низомиддин Шомий гувоҳлик берганидек, вафодор умр йўлдоши Ўлжай Туркон оқани Амир Темур Самарқандда, айнан Шоҳи Зиндада дафн эттирган, кейинчалик эса қабри устига кичикроқ мақбара қурдирган. Қўшгумбаз қачон пайдо бўлган, деган саволга ҳам П.Зоҳидов (ўша манба): "Сатҳий ўлчамлар ва меъморий тадқиқотлар чоғида Улуғбек даврида ушбу кичик мақбарага жанубий томондан пештоғи жануб-шимол ўқли катта ва баланд гумбазли бино тақалгани аниқланди", дея ёзган. Яна ҳам аниқроқ маълумотни Руи Гонсалес де Клавихо кундаликларида учратамиз. "Сентябрь ойининг (1404 й.) 29-сида душанба кунида подшоҳ (Амир Темур) Самақрқанд шаҳрига киришдаги бир уйда тўхтади. Подшоҳ бу уйни ўз завжаси Канью (Бибихоним)нинг онаси шарафига қурдирган". Балки Клавихо адашгандир, чунки ғарбликлар учун эшитганини ёзиш одатий ҳол. Аслида бу Ўлжай Туркон оқа учун қурилган мақбара ҳам бўлиши мумкин. Амир Темурнинг ўз вафодор жуфти ҳалоли Ўлжай Туркон оқани умр бўйи унутмади.Қизи Султонбахтбегимни яхши тарбия қилди, ҳамиша ардоқлаб яшадики, бу ҳам унинг Ўлжай хотирасига бўлган ҳурмати ва эътибори эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

Янги Ўзбекистон № 50 (839) 2023 йил 14 март

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН |Расмий канал

"Вафо маликаси′" китоби Asaxiy